Ушбу сонда:
2 Оғриқ нуқталар НОҚОБИЛ ФАРЗАНД
3 Сўраган эдингиз АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ НИМА?
4 ЁШЛАР — ХАЛҚИМИЗ УМИДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2001 йил 4 июл, чоршанба № 102 (1116)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

КЕЛАЖАК КЎПРИГИ

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида Амударё устидан темир йўл ва автомобил кўприги қурилмоқда.

Оролбўйи минтақасида, хусусан Хоразм вилоятида бу иншоот катта қизиқиш уйғотмоқда. Унинг фойдаланишга топширилиши қадимий ўлкани мамлакатнинг марказига том маънода яқинлаштиради, иқтисодий ривожланишга янги турткі беради. Келажакда бу кўприк Навоий-Учқудуқ-Султонуиздаг темир йўлининг муҳим бўғинига айланади. У Мискин бекати яқинида қурилажак йўлни Хоразм ҳудудида фойдаланилаётган темир йўл билан боғлайди.

Бу қадар мураккаб муҳандислик иншоотининг бунёд этиш ғоясининг ўзи мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан далолат беради. Янги темир йўл ва кўприкнинг аҳамияти беқиёс. Ҳозирча мамлакат саноат марказидан келаётган барча юк ҳажмлари қўшни Туркманистон ҳудудини кесиб ўтади. Демакки, ҳаракат юк сифатида ташилади. Темир йўлчиларнинг ҳазил қилишича, Ўзбекистондан Ўзбекистонга йўлланган ҳар бир вагон учун қўшни давлатга эркин муомаладаги валютада тегишли бож олинади.

Иншоотдаги тайёргарлик ишларини «Кўприкқурилиш» трестининг 14-сонли Тахиатош кўприк қурилиш отряди қурувчилари олиб бормоқда. Янги кўприк, аввал режалаштирилгандан фарқли ўлароқ дарёни нафақат темир йўл, балки автомобил транспорти билан кесиб ўтишга мўлжалланмоқда. Шу боис, бирламчи лойиҳа айни пайтда қайта ишланмоқда.

- Тез орада бу ерда улкан ва кўп жиҳатдан ўзига хос қурилиш авж олади,- дейди прораб А.Каурибаев. - Бу ерга қурилиш отрядимизнинг энг яхши қурувчилари юборилгани бежиз эмас. Уларнинг ҳар бири бундай иншоотларни қуришда катта тажрибага эга. Кўпчилик ўтган йили фойдаланишга топширилган ва Нукус-Хўжайли йўлини анча қисқартирган автомобил кўприги қурилишида қатнашган. Энди эса бизга келажак кўпригини бунёд этишни ишониб топширишди. Биз уни албатта қурамиз.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: кўприк қурилишидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.



Сен етим эмассан, тинчлан жигарим!

ВЕНЕРА — ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИ

Ушбу суратни кўриб бир хамжиҳат оила: бахтиёр она, унинг қизи ва набираси деб ўйлашингиз мумкин. Аслида шундай десак ҳам нотўғри бўлмайди. Улар Тўйтепанинг тўкин, сахий қучоғида аҳил ҳаёт кечиряптилар. Ҳар куни Румия Рашидовна Ферузанинг уйига қўнғироқ қилиб, аввал бошдан қизчанинг аҳволидан хабардор бўлади.

...Ўшанда, бундан ўн ой аввал Тўйтепа тумани аҳли ҳам ҳамма каби мустақиллигимизнинг 9 йиллик тантаналарини нишонлаб, ҳосил йиғиштириш тараддудида эди. «Оқ олтин» пишиб-етилган, шу боис кўпчилик далада бўлиб, туман марказидаги автошохбекатда йўловчилар сийраклашиб қолганди. Чошгоҳ пайти шохбекатнинг йўловчиларни автобусларга чиқариш хизмати навбатчиси Мунира Холматова кутиш залидаги ўриндиқлардан бирида каттагина тугунчага эътибор берди. Ўша тугунча бирданига қимирлаб қолса бўладими... Навбатчининг юраги жиғ этди. Шошиб диспетчер Луиза Нугаеванинг ёнига борди.

— Бу ёққа юринг... Анови ерда... тугунчада бир нарса борга ўхшайди.

Икки аёл зудлик билан келиб тугунни очдилар. Не кўз билан кўришсинки, унинг ичида чамаси бир хафталик гўдак типирчилаб ётарди...

«Чақалоқ кимнинг фарзанди? Қандай қилиб шохбекатда пайдо бўлиб қолди?» Бу ҳақда ўйлаб ўтириш учун вақт йўқ эди. Шоҳбекатнинг шундоққина ён чеккасида «Зафар Диёр» фирмасига қарашли дорихона филиали жойлашган бўлиб, унинг мудираси Румия Ҳаметова ўзининг қўли очиқлиги, меҳрибонлиги ва болажонлиги билан Тўйтепада ном чиқарганди.

Аёллар тугунга ўралган чақалоқни кўтарганча унинг ёнига чопдилар.

— Мана шундай гап, Румия опа, энди нима қиламиз?

Румия Рашидовна вазиятни дарҳол тушунди. Туман марказидаги болалар поликлиникасининг мудираси Насиба Аҳмедова унинг яқин дугонаси эди. Дарҳол ўшанга қўнғироқ қилди.

— Кетиб қолманг, ҳозир ёнингизга антиқа «совға» билан етиб борамиз.

Чақалоқни олиб келиб, ювиб-тарадилар, биринчи тиббий кўрикдан ўтказдилар.

— Гўдак соппа-соғ, - деган қарорга келишди шифокорлар, - фақат иссиқдан димиққан, оч қолган...

Тиббиёт ходимлари гўдакни бир неча кун шу ерда олиб қолдилар. Махсус кўрик — назоратдан ўтказдилар. Шундан кейин унинг тақдирини ҳал қилиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Ишнинг бу томонини Румия Рашидовна ўз қўлига олди...

Дорихонада ишлайдиган ходима Феруза Мирпўлатова кўпдан бери мудирага ўз дардини айтиб юрарди. У биронта ўғилми ёки қизга оналик қилишни юрагининг тубида муқаддас орзу сифатида сақлаб келарди.

— Сен шу қизчага она бўласан, - деди Румия Рашидовна Ферузага. - Лекин чўчима, биз ҳам қараб турмаймиз. Қизчага дорихонамизнинг барча жамоаси қарашади.

Биргалашиб, қизчанинг туғилган кунини 2000 йил 1 сентябр — Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами куни қилиб белгиладилар. У тонг юлдузи каби гўзал бўлсин, дея исмини Венера қўйишди.

Чақалоқнинг бутун каму кўсти, дори-дармони-ю, озиқ-овқати, кийим-кечагини дорихона жамоаси ўз зиммасига олди.

— Венера ва Ферузанинг оналик ҳамда болалигини қонуний тарзда расмийлаштиришда тўғаноқлар пайдо бўлди, - дейди Румия Рашидовна биз билан суҳбатда. - Лекин, бу ўринда туманимиз ҳокими Максим Тиллабоев, туман халқ маорифи бўлимининг мудири Шавкат Алиевлар яқиндан ёрдам бердилар. Барча расмиятчиликлар барҳам топди. Кўп ўтмай бола оналик, она эса болалик бўлди.

...Ким билсин, ҳозир мана шу оилавий суратни, юзларидан нур ёғилиб турган дўмбоққина қизчани кўриб, гўдагини хор қилиб ташлаб кетган ўша бағритош онанинг юраги жиғи-бийрон бўлаётгандир. Ҳали кўп ўтлар кетади унинг юрагига. Ўзидан кўрсин...

Халқимизнинг болажонлиги, бағрикенглиги азалдан етти иқлимга маълум. Ушбу суратдаги кичкина жонку ўз боламиз, Ўзбекистоннинг ўз қизалоғи. Даҳшатли уруш йилларида фидокор халқимиз қанчадан-қанча гўдакларни ўз бағрига олди, тарбиялади, оташин шоиримиз Ғафур Ғулом ота-онасиз қолган минглаб турли миллат фарзандларига қарата «Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим!» дея юрак-юракдан хитоб қилган эди.

...Мана шу жажжи жон бир кун келиб оёққа туради. Қалби дарё халқимизнинг меҳрини юрагига жо қилган қизча ана ўша меҳрни, муҳаббатни, оқибатни ўн чандон, юз чандон қилиб ўз халқига қайтаради.

Темур ҲАЙДАРОВ,
Қодиржон СОБИРОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

Ёз гашти ўзгача

СЎЛИМ «ЛОЧИН» БАҒРИДА

ушбу мавсумда 1050 нафар ўғил-қиз дам олади

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги сўлим оромгоҳлар келажагимиз бўлган ўғил-қизларимизнинг шўх ўйин-кулгусига тўлган.

Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси қарамоғидаги «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳида юзлаб фарзандларимиз ҳордиқ чиқаришмоқда - деди мазкур қўмита раис муовини Шерзод Жўраев. Масканда болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Малакали мутахассислар раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган 6 та тўгарак болаларнинг билим ва кўникмаларини янада оширишга ёрдам бермоқда. Шунингдек, баскетбол, волейбол, стол тенниси ва футбол майдонлари, бассейн ҳам ўғил-қизлар ихтиёрида. Гуруҳлар ўртасида уюштирилаётган турли хил спорт мусобақалари ғолиблари маъмурият томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Бундан ташқари, оромгоҳда маънавий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, бу ерда турли бадиий адабиётларга бой кутубхона ишлаб турибди. Оналар ва болалар йилига бағишланган «Юртим табиати», «Табиат бизга, биз табиатга» каби ўнлаб мавзуларда кўрик-танлов ва викторина ўйинлари ўтказилмоқда. Шунингдек, пойтахт цирк ва театр жамоалари ҳам тез-тез оромгоҳга ташриф буюриб, қизиқарли саҳна чиқишлари билан болажонларни хушнуд этишмоқда.

М. НИЁЗОВ.

Фарзандларимизни соғломлаштириб, дам олдириш билан бирга улар қалбига олижаноб фазилатлар, миллий урф-одат ва мафкурамизни сингдиришнинг аҳамияти катта.

БОЛАЛАРИ ЯЙРАГАН ДИЁР

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти томонидан янги 2 та тиббий хона қурилиб, ўйин майдончалари жиҳозлаб берилиши, Бухоро нефт заводининг «Нефтчи» оромгоҳи таъмирланиши ва замон талаблари асосида жиҳозланиши, «Бухорокооптранс» ҳиссадорлик жамияти аъзолари ҳашар йўли билан «Йўлдош» оромгоҳини чиройли масканга айлантиргани, «Ёш алоқачи», «Мовий гулхан» каби ҳомий ташкилотлар саховатидан баҳраманд бўлинаётгани кичкинтойлар қалбига олам-олам қувонч бағишламоқда.

Биринчи босқичда шаҳар ташқарисидаги ва мактаб оромгоҳларида 7700 нафар бола дам олган бўлса, иккинчи босқичда ҳам шунча ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради.

Оромгоҳларда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси физиотерапевтик муолажаларни йўлга қўйди.

Касаба уюшмаларининг ибратли тадбирларидан яна бири узоқ Газли посёлкасида 200 нафар ўғил-қизни ҳомийлар ёрдамида бепул соғломлаштириш ишларини ташкил этди. Ота-оналардан олинадиган аъзолик бадаллари вилоят Болалар жамғармаси, «Газлинаҳлгаз» корхонаси ҳисобидан қопланди.

Мавсум бошланишида «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими вакиллари 21 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳлар учун дори-дармонлар тарқатди.

Олот, Қоракўл, Шофиркон, Ғиждувон, Пешку, Когон, Ромитан туманларидаги дам олиш масканларида давлат санитария-эпидемиология назорат маркази дезинфекциялаш тадбирларини ўтказди.

Эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларнинг болалари учун АСМ ходимлари касаба уюшмалари имтиёзли йўлланмалар ажратди. Шаҳар «Маҳалла» жамғармаси кўп болали оилалар фарзандларининг 1000 нафарининг бадалларини тўлади.

Ромитан туманидаги «Дўстлик» оромгоҳини «Ромсиб» қўшма корхонаси ҳомийликка олди. Таъмирдан чиқариб жиҳозлади.

— Қўшма корхона фойдаси ҳисобидан фарзандларимизга барча имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз, - дейди корхона директори А.Каттаев.

Когон туманидаги «Истиқлол», Ғиждувон туманидаги «Коинот», Шофиркондаги «Мингчинор» оромгоҳларида туман ҳокимлиги ва туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳашар уюштириб, улардаги камчиликларни бартараф этди. Бу масканларда озиқ-овқат маҳсулотларига устама ҳақ қўйилмайди. Чунки, ўзларида етиштирилган полиз-сабзавот маҳсулотлари ва мевалар дам олувчилар дастурхонига тортилмоқда.

Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказининг ходимлари турли кўрик-танловлар, тўгарак машғулотлари ўтказмоқдалар.

Қайтаётиб, «Нефтчи» оромгоҳида «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғини айтаётган болаларга ҳавас билан қараймиз ва юртимиз келажаги билимли, доно фарзандларимиз қўлида эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ш.ИХТИЁРОВА,
Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Оналар ва болаларга бўлган эътибор бу йил айниқса ўзгачадир. Уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш, кўнгилдагидек дам олишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Айниқса имтиёзли йўлланмалар билан бир қаторда корхоналар ўз ҳисобларидан улар учун бепул йўлланмалар ажратаётганликлари ибратлидир.

Жиззах вилояти «Матлуботсавдо» бошқармаси вилоят савдо, кооперация, умумий овқатланиш ва бошқа турдаги тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан йил бошида жамоа шартномасини тузар экан, оналар ва болаларни соғломлаштириш бўлимига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар йили «Матлуботчи» оромгоҳида 450 нафар бола ҳордиқ чиқариб келган эди, бу йил эса 600 нафар мактаб ўқувчиси корхона ва ижтимоий суғурта ҳисобидан бепул дам оладиган бўлди.

Фориш туманининг тоғ бағрида жойлашган бошқармага қарашли 6 та кемпингда тармоқда ишловчи кам таъминланган, кўп болали оналардан 300 нафари бир ҳафтадан дам олишади. Бугунги кунда ҳар бир кемпингда 6 тадан жами 24 нафар ишчи ҳордиқ чиқармоқда. Шу бугунгача 100 киши дам олиб қайтди.

Ҳар бир ходимга бериладиган йўлланманинг нархи 7500 сўм бўлиб, шундан 70 фоизи корхоналар, қолган 30 фоизи эса давлат ижитмоий суғурта ҳисобидан тўланмоқда. Демак, йўлланма дам олувчиларга бепул.

— Дам олувчиларга уч маҳал иссиқ овқат берилаётир, ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитларни яратганмиз, — дейди вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг раиси Турғун Қўчқунов. — Йўлланма сўраб ариза бераётганларнинг талабларини тўлиқ қондиришга имконимиз етарли.

Ҳа, бу ажойиб, хушманзара маскан соф ҳавосидан баҳра олиб, дам олаётганларга ҳавас қилса арзийди.

С.ОРТИҚОВ.

АҚШнинг «Каунтерпарт Интернэшнл» ташкилотидан Сурхондарёга 102 минг долларлик инсонпарварлик ёрдами келди.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА МАДАД

Асосан, уй жиҳозлари, кийим-кечаклардан иборат буюмларни вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, қаровчиси йўқ кексаларга тарқатди. Шунингдек, Денов, Бойсун, Сариосиё туманларидаги Мурувват ва Меҳрибонлик уйларида яшаётган ва тарбияланаётганларга ҳам инсонпарварлик ёрдами етказилди.

(ЎзА).

Касаба уюшма фидойилари

ҚАЛБГА ЙЎЛ

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга қулай иш шароити яратиш, соғломлаштиришдир. Бу ишларни бажаришга улгуриш учун аввало касаба уюшма қўмитаси раиси ташкилотчи ва ташаббускор бўлиши керак. Ана шундай жонкуяр етакчилардан бири Ўзбекистон телерадиокомпанияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Малика Назаровадир. Уни гоҳ маданий тадбирлар ўтказилаётган жойда, гоҳ спартакиада мусобақалари бораётган майдончада ёки болалар оромгоҳида қуйиб-пишиб юрганида кўрасиз.

Биз уни телерадиокомпания ходимлари ўртасида ўтган IV спартакиада якуни пайтида учратдик. Малика рўйхатни ўқиб, ғолиб жамоа сардорлари ва спортчиларга қимматбаҳо совғалар ҳамда гуллар тақдим этди. «Энг яхши дарвозабон», «Энг кўп тўпурар», «Биринчи тўп муаллифи» номига сазовор бўлганлар ҳам мукофотдан четда қолишмади.

Касабақўмнинг ишчи хонаси ҳамиша гавжум. Кимдир у ерга сиҳатгоҳга, кимдир болалар оромгоҳига йўлланма сўраб, яна бошқаси иш ҳақи ва бошқа масалалар билан эрталабдан кечгача мурожаат қилиб киришади.

Ўша куни ҳам касабақўм хонасидан биронта ходимнинг норизо бўлиб чиқиб кетганини сезмадик.

— Меҳнаткашлар дардига малҳам бўлиш нафақат вазифам тақозоси, аввало инсоний бурчим, - дейди у. - Тўғри, баъзан ҳамманинг ҳам илтимоси бирданига битавермайди. Масалан, эртага меҳнат таътилига чиқаётган ходим сиҳатгоҳга йўлланма топиб беришни сўраб қолади. Имкони борича илтимослар қондиришига ҳаракат қиламиз, иложи бўлмаса, бошқа дам олиш масканларини таклиф этамиз.

Баъзан иш шунчалик қизиб кетадики, кун қандай ўтганини сезмай қоламан. Айниқса, тадбирлар ўтказиш арафасида шанба, якшанба кунлари ҳам тиним йўқ. Эгамберди Мусаев, Исмоил Фаттоҳов, Неъмат Жўраев ва Асқар Абдурайимовлар билан соҳаларни бўлиб олганмиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир тадбиримиз кўнгилдагидек ўтмоқда. Ўз қувончи, бахтини одамлар роҳат-фароғатида деб билган бундай фидойи инсонлар бор бўлсин!

О.САИДОВ.

Она ва бола Давлат дастури амалда

АЁЛЛАР СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА

Тошкент вилояти Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Она ва бола» Давлат дастури асосида кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унга мувофиқ вилоят тармоқ қўмитаси ўз тадбирлар режасини яратиб, вилоятдаги тармоққа тегишли барча корхона ва ташкилотларга юборди. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида ушбу дастурга мувофиқ жамоа шартномаларига ҳам кўпгина имтиёзлар киритилди.

Хусусан, «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларида ҳомиладор аёлларга ҳомиладорликнинг беш ярим ойидан бошлаб таътилга чиқиш имконияти яратилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган ишловчи аёлларнинг иш вақтлари эса ҳафтасига 1 соатга қисқартирилди.

— Моддий ва маънавий рағбат ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда муваффақият омилидир, — дейди вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Т.Давлатов. — Шу боис биз соҳа меҳнаткашларига ҳар бир байрам арафасида совға-саломлар топширишга, кўп болали оилалар ва ёлғиз оналарга хайрия ёрдамлари кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Айниқса, кам таъминланган, кўп болали, она бўлиш арафасида турган ишловчи аёлларга санаторий, санаторий-профилактория-лларда соғлиқларини тиклаб даволанишлари, дам олиш уйларида болалари билан ҳордиқ чиқариб қайтишлари учун биринчи навбатда йўлланмалар ажратилмоқда.

Спорт — соғлом авлод гаровидир. Шунинг учун вилоятда ўтказиладиган спорт мусобақаларига аёлларни кўпроқ жалб этиш, тармоқ корхона ва ташкилотлари ўртасида оилавий спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига вилоят тармоқ қўмитаси пухта тайёргарлик кўрди. Хусусан, «Гўзал», «Ёш цементчи» каби болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мавсумда 800-1000 нафар ўғил-қизни мароқли дам олдириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунлари натижаси бўйича 361 нафар кам таъминланган оилага 12 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган. Ногирон фарзандларни тарбиялаётган 17 нафар оилага эса 160 минг сўмлик ёрдам пули берилган.

«Оҳангароншифер» маъмурияти томонидан халқимизнинг миллий байрами — Ҳайит айёмида ҳар бир ишчига 25 килограммдан гуруч маҳсулоти ҳайрия сифатида берилди. Наврўз арафасида эса соҳа меҳнаткашларига вилоят қурилиш ташкилотлари раҳбарияти 2 миллион 821 минг сўмлик, касаба уюшма қўмиталари 930 минг сўмлик ёрдам пули ажратдилар.

Тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар фарзандларининг ҳар томонлама баркамол, маънавияти юксак, ватанпарвар шахслар бўлиб етишишлари йўлида ҳам қатор амалий ишлар қилинмоқда. «Бекободцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти маданият уйи ва жисмоний соғломлаштириш мажмуида меҳнаткашларнинг фарзандлари учун бепул тўгараклар ҳамда кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Тўйтепадаги темир конструкциялар заводи маъмурияти эса касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ижодкор болалар уйини ташкил этган.

Ушбу масканларда ўғил-қизлар бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан ўтказиб, миллий қадриятларимиз ва урф-одатлар, турли касб-ҳунарлар сирларини ўрганмоқдалар. Зеро, болажонлар порлоқ келажагимиз эгаларидир.

М. ДАВРОНОВА.

«СОҒЛОМ РАҚОБАТ ЯРАТИЛСА...»

«Тошкент-Термиз» йўналишидаги катта ўзбек трактининг «Пахтаобод» бекатидан Ш.Рашидов туман марказигача бўлган масофа атиги тўрт чақиримни ташкил этади. Бу йўналишда йўловчилар ҳамиша гавжум. Шу билан бирга, шахсий автомашиналарда ноқонуний киракашлик қилаётган «учарлар» ҳам кўпайгандан-кўпаймоқда. Негаки, атиги тўрт чақиримга ҳар бир йўловчидан 150 сўмни қуртдек санаб олгандан кейин бу олғирлар ошиғи олчи бўлмасинми? Бир гуруҳ ана шундай қонунбузарлар солиқчилар томонидан жаримага тортилган бўлса-да, аҳвол ўзгармади.

Тўғри, бозор қонуни талаб ва таклифдан келиб чиқади-ку, дерсиз. Лекин биз ҳалол рақобатнинг тарафдоримиз.

Афсуски, 45-автокорхона маъмуриятининг янги раҳбарлари бундай соғлом рақобатни яратишга нима учундир шошилишмаяпти.

Таклифимиз: 45-автокорхона аҳволни ўрганиб чиқиб, куннинг қайси пайтида йўловчилар гавжум бўлишини ўрганган ҳолда автобус қўйсалар, ноқонуний киракашлар касодга учраб, кўплаб йўловчиларнинг олқишини олган бўлишарди.

Абдуманнон АЗИМОВ.



Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан иш юритиш, соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларининг олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Пахтаобод туманидаги Маданият «Матлуботсавдо» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ҳам ушбу омиллардан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритмоқда. Тумандаги олтита ширкат хўжалиги ва битта агрофирмага самарали хизмат кўрсатаётган жамият айни вақтда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ўзларининг беминнат хайрия ёрдамларини ҳам кўрсатиб келмоқда.

Жамият тасарруфидаги цех бир ойда 35 тонна нон ва 4 тонна сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларнинг дам олиш ва самарали ишлашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Суратларда: Ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш цехининг новвойи Маъруф Жўраев ҳамда макарон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишчиси Мансур Маматов.

Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Қолоқликка юз тутган Жарқўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги санацияга тушди. Раҳбарлар маслаҳатлашиб Омонхон Аҳадов деган ишбилармон йигитни ташқи бошқарувчи этиб тайинлашди. Чунки у кўпнинг ишончини оқлаган эди.

ИЛҒОРЛАРГА ГИЛАМ

пул мукофоти

Касабақўм раиси Бекмирза Тошпўлатов янги раҳбарга умумий аҳволни тушунтирди. Қолоқлик сабабларининг бош сабаби моддий манфаатдорлик эътибордан четда қолганини англаган раис шундай деди:

— Бекмирза ака, ишчиларга менинг номимдан ваъда беринг, бир ҳафтада бир ойлик маошни нақд олишади. Бирон-тасини ишдан бўшатмаймиз. Бекор юрганларни ҳам иш билан таъминлаш учун маиший ва бошқа хизмат турларини ташкил қиламиз. Гилам тўқиш, шарқ каштачилиги бўйича касаначиликни йўлга қўямиз ва хоҳловчилар уйида тегишли шароит яратиб берамиз. Наввойхона, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш цехларини ишга тушириб янги иш ўринларини яратамиз. Шу айтганларимни келгуси ҳафтада қабул қилинадиган жамоа шартномасига албатта киритинг.

— Ўзингизга яхши аён, жамоа шартномасининг ҳар бир банди мажбурият дегани. Иқтисодий аҳволимиз танг бўлиб турган ҳозирги пайтда уялиб қолмасмикинмиз, - деди андиша билан касабақўм раиси. — Эҳтимол баъзи бандларини қисқартирармиз.

— Йўқ. Бари шартномада ўз ифодасини топсин. Айтдикми, бажарамиз.

Ҳақиқатан ҳам бир ҳафтадаёқ ҳар бир ишловчига 4000 сўмдан пул тарқатилди. Экин майдонлари ҳолатини обдон ўрганган раис тўғриси, ишлардан қониқмади. Касабақўм раисидан илғор деҳқонлар рағбатлантириляптими, деб сўраганда у жим бўлиб қолди. Шунда у биринчи навбатда одамларда меҳнатга қизиқиш уйғотиш зарурлигини дилидан ўтказди.

Йилнинг илк ҳосили пилла режаси 130 фоизга бажарилди, жамоа шартномасига биноан илғор пиллакорлар Саидаҳмад Асатуллаев, Мусурмон Тўраев, Холмурод Одинаев, Шарофат Хўлбутаева, Сафар Тўрамуродовларга хўжалик ҳисобидан гилам ҳамда касаба уюшма ҳисобидан 15 минг сўмгача пул мукофоти берилди.

Ширкатдаги мавжуд 10 та дала шийпони меҳнаткашнинг ҳақиқий иккинчи уйига айлантирилди. Хоналар дид билан безатилди. Радио, телевизорлар келтирилган, газета ва журналлар ўз вақтида етказилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси қарори билан бепул иссиқ овқат ташкил этилди. Мазали тушликдан сўнг қисқа фурсат ҳордиқ пайтида истаганлар радио эшитади, телевизор кўради, хоҳлаганлар шахмат-шашка ўйнайди.

Меҳнат ва рағбат

— Очиғини айтганда бизда яратилган шароит кўп жойда йўқ. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам бўлмоқда, — дейди оилавий пудратчи Нурқобил Муродов.

Яқинда яна бир хушхабар тарқалди. «Шарқ юлдузи» ғаллакорлари астойдил меҳнат қилиб, сал кам 4000 тонналик хирмон кўтардилар. Давлат буюртмаси мамлакатда биринчилар қаторида бажарилди. Шартнома режасидан ортиқ етиштирилган дондан оилавий пудратчи Зокир Раҳмонов 6 тонна, Менгли Бойматов 4 тонна, Исроил Мансуров 4 тонна, Нурқобил Муродов 5,5 тонна, Абдумаҳмуд Эрдонаев 7 тонна, Эркин Пардаев 3 тоннасини бепул олишди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бош пудратчи Саидаҳмад Асадуллаев уйига 8 тонна ғалла туширди. Иш ҳақи ҳисобидан 208 тонна буғдой тарқатилди. 30 нафар меҳнат фахрийси ҳам саховатдан четда қолмади.

Шунингдек, хўжалик ҳудудидаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож Турсунбой Аввалов, Ойимхол Оташева, Беккам Бозорова, Шайдулла Бекмуродовларга ҳам 150 килограммдан ғалла улашилди.

Яхши ишлагандан кейин кўнгилли дам олиш керак-да! Раис сўзида турди. Ғаллакорларга таътил берди. Уларга жамоа шартномасига мувофиқ бир ойлик маош миқдорида моддий ёрдам ажратилди: иш стажига қараб 3 кундан 15 кунгача қўшимча пуллик таътиллар белгиланди. Айни пайтда деҳқонлар «Хонжиза» дам олиш уйида мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда. 40 нафар ғаллакор эса Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига бориб келишди.

Бундан ташқари, ерни сифатли ҳайдаган илғор тракторчиларни гилам, 10 минг сўмдан пул мукофоти билан рағбатлантирдик, деди сўзининг ниҳоясида касаба уюшма қўмитаси раиси Бекмирза Тошпўлатов.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД

бунга кимлар сабабчи?

Мамлакатимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари, ёш авлод тимсолида олийжаноб инсоний фазилатларни намоён этишга қодир баркамол инсонларни кўришни истайди, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади. Демак, мустақил фикрловчи, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш шу кунинг асосий вазифасидир.

Қашқадарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори асосида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, жойларда муайян ишлар амалга оширилаяпти.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Холмурод Каримовнинг ҳикоя қилишича, комиссия аъзолари жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари билан ҳамкорликда мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, қишлоқ ва маҳаллалар, ташкилотларда ёшлар онгига истиқлол ғояларини чуқур сингдириш, уларнинг тафаккурини кенгайтириш, қалбида миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга асосланган дунёқарашни шакллантириш мақсадида «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Истиқлолимиз — истиқболимиз», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Ким бўлсам экан?» мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказяпти.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун «Ўсмир», «Тозалаш», «Орият», «Антитеррор» сингари профилактик тадбирлар, «Биз Ватанни севамиз», «Яшил чироқ — 2001», «Давлат рамзлари билимдонлари» каби танлов ва спорт мусобақалари уюштирилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган «Ёшлар ва қонун» мавзуида суҳбат ва учрашувлар ташкил қилинди.

Вилоят прокурорининг ўринбосари Ф.Шаймано-в, прокурорнинг катта ёрдамчилари Д.Медиев, С.Йўлдошев, вилоят ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция полковниги Н.Туломов, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи майор О.Тожиев, «Камолот» ижтимоий гуруҳи раҳбари Д.Аллаев, «Маънавият ва маърифат» маркази масъул котиби М.Ражабовларнинг ўсмирлар билан учрашувлари қизиқарли ва мароқли ўтмоқда. Тадбирлар натижасида Усмон Юсупов, Муборак, Китоб туманларида вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик анча камайди. Бунинг боиси, мазкур комиссиянинг ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талаблари асосида олиб бораётганидадир.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, вилоят шаҳар ва туманларида ўтказилган «Меҳнат ярмарка»ларида 568 нафар вояга етмаганлар иш сўраб, мурожаат қилди. Шундан 325 таси ишга жойлаштирилди, 84 таси жамоат юмушларига жалб этилди. 259 нафар ўсмир эса касбга йўналтириш учун ўқитилмоқда.

Умумтаълим мактабларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» бўйича чуқурлаштирилган синфларда 1000 га яқин ўқувчи ҳуқуқий билимини оширмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтларида шуғулланишлари учун ҳуқуқий таълим тўгараклари фаолият кўрсатаяпти. Талабалар очиқ суд жараёнларида ҳам иштирок этмоқдалар.

Шунга қарамасдан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқ таълими, касб-ҳунар бошқармалари, маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғинларида вояга етмаганлар ўртасида жамоатчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш соҳасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва олий билимгоҳлар талабалари ўртасида тарбиявий ишлар бўшашиб кетганлиги сабабли улар томонидан жиноят содир қилиш Қарши шаҳри, Чироқчи, Косон, Деҳқонобод, Нишон каби туманларда бирмунча ўсганлиги кузатилди.

Муборак туманидаги 10-қишлоқ хўжалик касб-ҳунар мактаби талабаси Беҳзод Шонаев, Қарши шаҳридаги 15-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Руслан Набиев, 7-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Карим Қодировлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича айбланганлиги фикримиз далилидир.

Ўз хулқи билан бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, фарзандларини жиноий хатти-ҳаракатларга бошлайдиган ота-оналар аниқланиб, улар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Оғриқ нуқталар

Саволларингизга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бўлими мудири Неъматулла ХОЛБОЕВ жавоб беради.

САВОЛ: Тўрт нафар фарзандим бор. Боқувчим йўқ, вафот этган. Боқувчиси йўқлиги сабабли фуқароларнинг ойлик маошидан солиқ ушланадими, йўқми?

Г.БОЛТАБОЕВА, хизматчи.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг III бўлими 16 боби, 58-моддасида Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар яъни жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари санаб ўтилган, бироқ унда «боқувчиси йўқлиги сабабли ойлик маошидан солиқ ушланмайди» — деб кўрсатилмаган.

Ушбу бобнинг 59-моддаси 2-қисми «л» бандига биноан икки ва ундан ортиқ боласи бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар даромад солинадиган солиқдан қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида озод қилинади.

САВОЛ: «Хоразмсувқурилиш» трестига қарашли Гурлан КМЖсида 1993 йилдан буён экскаватор машинисти бўлиб ишлаб келаётган Ҳожибой Ҳайитбоев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор» унвонига сазовор бўлган эди. Бу унвон эгалари давлат солиқларининг қайсиларидан озод қилинади. Умуман, улар учун қандай имтиёзлар мавжуд?

ЖАВОБ: Мазкур унвон соҳибларига ер ва мулк солиғидан, газ ва электр энергиясидан фойдаланишда бирон бир имтиёз назарда тутилмаган. Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июлдаги 274 сонли қарори иловасига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор»ларга республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида ойлик маошига қўшимча ҳақ тўланади.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ НИМА?

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрда қабул қилган «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори солиқ идоралари ва аудиторлик хизмати ходимларининг мақсадлари муштарак эканлигини белгилаб берди.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар бир мамлакатнинг қудрати, бойлиги ва халқининг фаровонлиги биринчи навбатда ундан корхона ва ташкилотларининг иқтисодий барқарорлигига боғлиқ. Чунки шундай бўлгандагина давлат бюджетига тушумлар ўз вақтида тушади, ишлаб чиқариш жараёнлари кенгайиб, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб боради.

Маълумки, тараққиётнинг бозор иқтисодини танлаб олган ва дунёнинг энг кучли, иқтисодий ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишни ўзининг асосий мақсади этиб белгилаган давлатимиз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ корхоналар молия-хўжалик фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни бекор қилди. Уларга ўз иқтисодини ривожлантиришга тўлиқ эркинлик берди. Шу билан бирга, катта масъулиятлар ҳам юклади. Айниқса, республика Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони билан соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимларидан ташқари, барча соҳаларда аудиторлик хизматидан фойдаланишга ўтиш зарурлиги ва мажбурийлиги эълон қилиниши ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Аудиторлик хизмати нима? Унинг асосий мазмуни ва мақсади — ўзаро тузилган шартнома асосида хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятида мавжуд бўлган хато-камчиликлар ва қонунбузарликларни очиб бериш ва уларни текшириш жараёнида бартараф қилдириш, унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлайдиган омилларни кўрсатиб бериш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилганлигини таҳлил қилиш ва бу тўғрида ўз фикр-хулосаларини беришдан иборатдир. Қисқаси, аудиторлик хизматини корхонани иқтисодий жиҳатдан соғломлаштирувчи ва турли нуқсонларнинг олдини олишда бош маслаҳатчи ҳакам деб тушунмоқ керак. Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг текширишдаги ахборотларни махфий сақлаши қонун билан кафолатланган. Ана шу жиҳатлари билан мазкур хизмат аввалги назорат-тафтиш хизматидан тубдан фарқ қилади.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 13-моддадан иборат «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва меъёрий ҳужжатлар бу хизматни ривожлантиришда ўз вазифасини ўтаб бўлди. Ўтган йилнинг 25 майида 2000 йил 1 сентябрдан кучга кирган, 29 моддадан иборат янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиндики, унда аудиторлик текширувларининг буюртмачиси ва аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ-мажбуриятларига кенг ўрин берилган.

Янги қонун бўйича аудиторлик текширувлари мажбурий ва ташаббус тарзида ўтказилади. Қуйидагилар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари керак:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

Сўраган эдингиз

- суғурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари;
- маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- Устав фондида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий аудиторлик текширувларининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъектдир.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширув буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект ёки бошқа (масалан, ҳуқуқ тартибот органлари)нинг шартномаси ёки қарори билан ўтказилиши мумкин.

Қонуннинг 10-моддасида мажбурий аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорида жарима ундиришга, шунингдек, унинг раҳбарияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши, жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод этмаслиги кўрсатилган.

Кўплаб қонунлар мавжудки, уларда республикамиздаги бюджетдан ташқари барча корхона ва ташкилотлар албатта ҳар йилги аудиторлик текширувидан ўтишлари шарт қилиб қўйилган. Шу сабабли 2000 йил 25 майда ўзгартиришлар билан қабул қилинган. «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасида, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасида «... ҳар йиллик тегишли аудиторлик хулосаларига эга бўлган корхоналар, тадбиркорлик субъектларини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади», - дейилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарорининг эса, айнан «аудиторлик хулосалари солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида» деб бошланиши мамлакатимиз солиқ ва аудиторлик хизматларининг асл мақсади битта — у ҳам бўлса, ҳамжиҳатликда ишлаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг, охир-оқибатда республикамизнинг иқтисодий аҳволини яхшилашдан иборат эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

(Давоми бор)

Хуррам НОРҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Аудиторлик палатаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси.

Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

САВОЛ: дирекциямиз таркибида хизмат қилаётганлар орасида «Ўзбекистон халқ артисти», «Ўзбекистон халқ ҳофизи», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонлари билан тақдирланганлар бор.

Бироқ улар қонун ҳужжатларида мазкур унвонларга белгиланган имтиёзлардан бехабар. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ўлмас САИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбари.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сон қарори иловасига биноан, «Ўзбекистон халқ артисти» ҳамда «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвонлари соҳибларига республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 80 фоизи, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими»га республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида ойлик маошларига қўшимча ҳақ тўланади.

Мустақиллик иншоотлари

БИЗ ЧЎЛНИ ЎЗГАРТИРДИК

Муборак бундан йигирма йил олдин чўл бағрида қад ростлай бошлади. Орадан йиллар ўтди, бийдек чўл ўрнида кўп қаватли уйлар, ҳовлию коттежлар бунёд этилиб, таниб бўлмас даражада ўзгарди. Эндиликда Муборак ҳақида гап кетса кўз ўнгимизда саноати ривожланган шаҳар гавдаланади. Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Муборак» нефт ва газ бошқармаси, Кўкдумалоқ кони ҳам мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришга муносиб улушини қўшмоқда.

Саҳрода сўлим шаҳар бунёд этиш осон эмас. Бунёдкорликка алоҳида тўхталаётганим боиси жамоамиз Муборакни гуллаб-яшнатиш учун баҳоли қудрат тер тўкиб меҳнат қилмоқда. Шаҳар кўчаларидан ўтиб қолсам, ўз қўлимиз ила қурган биноларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилади.

Чўл ҳудуди истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаган бинолар бири биридан чиройли, кўркам. Мустақиллик шарофати туфайлигина қурилиш ишлари авж олди.

Бизнинг 3-механизациялашган шўъба корхонаси ишчи-хизматчилари энг зарур иншоотлар бунёд этишда иштирок этяпти. Шулардан бири 600 ўқувчига мўлжалланган педагогик коллеж қурилишидир. Бундан ташқари чойхона, турар-жойлар, Муборак нефт ва газ конлари бошқармаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводларига қарашли биноларни таъмирлашда қатнашаяпмиз. Ўтган йили шартнома нархида режа бўйича 169 миллион 462 минг сўм ўрнига 303 миллион 396 сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Режа 179 фоизга адо этилди.

Айни пайтда жамоамизда 205 киши меҳнат қилмоқда. Биз сифатга алоҳида эътибор берамиз. Бу каби омиллар туфайли қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 15 минг сўмдан ошди.

Жамоамиз амалдаги йилнинг ўтган уч ойида Муборак нефт ва газ конлари бошқармасига қарашли 150 ўринли чойхона, амфитеатр ва уй-жой биноларини фойдаланишга топширди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қурилиш монтаж ишлари режаси 45 миллион сўм эди. Амалда 56 миллион 300 минг сўм ёки режага нисбатан 125 фоизни ташкил этди. Самарадорлик ўтган йили 26 фоиз, шу йилнинг биринчи чорагида эса 34 фоиз бўлиши таъминланди.

Истиқлолимизнинг ўн йиллиги муносабати билан авж олдирилган меҳнат беллашувида ҳарбийлаштирилган қисмга тегишли 150 ўринли ётоқхона қурилиши жадал олиб бориляпти. Энг улуғ, энг азиз байрамга бу бизнинг тўёнамиз бўлади.

Ишчиларга меҳнат ҳақи вақтида берилиши, илғорларни рағбатлантириш ютуқларимиз омилидир. Касабақўм билан келишилган ҳолда байрамларда, чорак якунида илғорлар муносиб тақдирланади. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш алоҳида эътиборимизда. Тўй ва маъракаларда моддий ёрдам ажратамиз.

Келгуси режаларимиз янада улкан. Мақсадимиз фойдаланишга топширилаётган ҳар бир бинони белгиланган муддатда сифатли битказишдир. Бунинг учун ҳамма имкониятлар етарли. Айни кунларда навқирон шаҳримиз марказида қад ростлаётган 50 ўринли чойхона ва 170 квадрат метр сахнли уй-жойни муддатида фойдаланишга топширишга астойдил бел боғлаганмиз. Зиммаларидаги юмушни виждонан адо этиб жамоа муваффақиятига муносиб ҳисса қўшаётган монтажчилар бригадаси бошлиғи Ширинбой Жумаев, ғишт терувчи Нишон Очилов, пайвандчи Қувондиқ Сафаровлар бошқаларни ҳам фидокорона меҳнат қилишга даъват этаётир.

Қўйли НАРЗУЛЛАЕВ,
Муборак туманидаги 3-механизациялашган шўъба корхонаси раҳбари.



Самарқанд шаҳридаги «Сартепа» мавзесида 600 нафар ўқувчига мўлжалланган Туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қуриб битказилди. Уни Самарқанддаги «Уй-жой қурилиш» хиссадорлик жамияти бунёдкорлари барпо этди.

Коллеж туризм таржимони, катта менежер, меҳмонхона ходими, ҳисобчи, видеомуҳандис, сартарош каби мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида ушбу даргоҳ ёшларни ўз бағрига олади.

Суратларда: Самарқанддаги «Сартепа» мавзесида барпо этилган Туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг кўриниши; компьютер хонасида.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЗАМОНАВИЙ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

ТЕРМИЗ ҒИШТИ КОЛЛЕЖЛАРГА

Термиз қурилиш материаллари корхонаси юбилей объектларига сифатли пишиқ ғишт етказиб бермоқда. Корхона жамоаси йилнинг биринчи чорагида 3 миллион 130 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарган бўлса, иккинчи чоракда бу кўрсаткични 4 миллиондан оширишга эришди. Корхона маҳсулоти вилоятнинг Қизириқ, Шеробод, Бандихон туманларида қурилаётган касб-ҳунар коллежи ва бошқа муҳим қурилиш объектларида ҳам ишлатилмоқда.

ОТА-ОНАНИНГ АРИЗАСИ

бўйича боланинг насл-насабини белгилаш

Оила ва қонун

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда, ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек, бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

Моддада боланинг ота-онаси томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига оталикни ўз истаги билан белгилаш учун ариза бериш тўғрисидаги қоида келтирилган. Тўрт ҳолатда фақат ота фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига оталикни белгилаш тўғрисида васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан ариза бериши мумкин, булар: онанинг ўлими, онанинг муомалага лаёқатсиз деб топилиши, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти йўқлиги, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишидан иборат.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, оталикни белгилаш фактини мустаҳкамлаш учун боланинг (болаларнинг) айнан шу отадан туғилганлигини тасдиқлайдиган далиллар бўлиши шарт. Бундан ташқари, ота ва бола ўртасида насл-насаб билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни ифодаловчи ҳуқуқий муносабатлар ҳам ўрнатилади. Оталик, шунингдек, отанинг қариндошлар қаторига кирганлигини ҳам англатади ва боланинг ота қариндошлари, яъни бува, буви, ака-укалар ва опа-сингиллар билан қариндошлигини ақс эттиради.

Оталик белгиланганда насл-насабга ва ота ҳамда боладан (болалардан) иборат бўлган оила вужудга келади. Бу тамойил она вафот этганда, худди юқорида кўрсатилган учта бошқа ҳолатлардагидек, алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Онанинг вафоти (унинг вафот этган деб эълон қилиниши) вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки суд қарори билан тасдиқланади.

Онанинг қаердалигини аниқлаш имкони йўқлиги, агар она ўз турар жойида йўқ бўлса, суд қарори билан ёки боланинг турган жойига нисбатан онанинг турар жойи номаълум бўлса, ички ишлар органлари томонидан тасдиқланиши лозим.

Онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги суднинг қарори билан мустаҳкамланган бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлса фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи отанинг оталикни белгилаш тўғрисидаги аризасини васийлик ва ҳомийлик органи берган ёзма розилик билан бирга қабул қилади. Эҳтимол, амалиётда бундай келишувнинг алоҳида шакли ишлаб чиқилар - бу васийлик ва ҳомийлик органининг муайян ҳужжати ёки ота аризаси матнига киритиладиган тегишли ёзув шаклида бўлиши мумкин.

(Давоми бор).

Абадият қонуни

Комил инсон барчанинг идеали, дунёвий ва илоҳий билимлар соҳиби, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу-кароматдан сероб, сурату-сийрати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зотдир.

КОМИЛ ИНСОН

унинг пок қалби одамларни эзгу ишларга ундайди

Буюк ўзбек мутафаккири, шоири замон, ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек: «Фоний ва илки, ҳам сўзидир пок, ҳам ўзи хуш давлат ул кишигаки тушгай унинг кўзи». Демакки унда тўрт малак: Жаброил, Мекоил, Исрофил ва Азроил хислатлари, Хизрнинг пайғамбарлиги, Офтобнинг саховати мавжуд. Унинг кўнгли жоми четинадандир (дунёни кўрсатувчи жом - қадаҳ) — етти фалак ва ўн сакиз минг оламни акс эттириб, ғайб асроридан хабар бериб туради. Уни яна Одил, Оқил, Фозил, Фахр хазинаси, иксири Аъзам (улуғ малҳам), Кибрийи Аҳмар (мисни олтинга айлантирувчи жавҳар) сифатлари билан тасниф этадилар.

Умуман олганда комиллик нима, комил инсон қандай бўлиши керак, қандай инсонларга нисбатан бу нисбат қўлланилади? Бу саволларга муфассал жавобни филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов билан бўлиб ўтган қуйидаги суҳбатдан топишингиз мумкин.

— Домла, аввалом-бор «Комил инсон» тушунчасига таъриф бериб ўтсангиз.

— «Комил инсон» — одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатлар эгаси. У гўё мутлақ илоҳ билан инсоният ўртасидаги восита бўлувчи муқаддас хилқат. Бундай мартабага мушарраф инсонларни валиуллоҳ, қибла, қутб, ғавс (мададкор), автод (устун), абдол (бадал қилинган) деб ҳам улуғлайдилар. Муқаддас китобларда нақл қиладиларки, дунё шундай зотлар туфайли барқарор, осойишта. Ернинг қутбида иккита аъзам, тўрт бурчида тўртта автодлардан, етти иқлимда еттитадан абдол доимий қўриқчи бўлиб, уларнинг бири оламдан ўтса, иккинчиси унинг ўрнини босар экан. Шунинг учун ер юзида ҳар қанча гуноҳ кўпайиб кетса ҳам, у ўз ўқидан чиқиб кетмай тураркан. Чунки ана шу азиз авлиёлар бандалар гуноҳини парвардигордан сўраб турар эканлар. Бу балки ривоятдир, балки ҳақиқатдир, бунга ишониш ишонмаслик ҳар кимнинг ўз иши. Аммо ривоятлар тагида улкан бир ҳақиқат бор. Бу ҳақиқат шундан иборатки: дунёнинг тинчлиги ва фаровонлиги, инсоният бутунлиги ҳақиқатдан ҳам доно ва оқил, пок ниятли одам фаолиятига боғлиқдир. Яъни илоҳий поклик ва нафосат, эътиқод ва тафаккур бизни бало-қазолардан асрайди, ҳаётни авайлаб, сақлаб туради. Комил инсон аслида халқ идеали, шу билан бирга адабиёт идеали ҳамдир.

— Комил инсон шунчалик камолот ва улуғворлиги билан бирга қудратсиздир, деганда нимани тушуниш мумкин?

— Комил инсон улуғворлик билан бирга қудратсиздир, деганимиз бу тушунчанинг амалий-ижтимоий томонини назарда тутганимиздан. Чунки комил инсон — бу орзулар мужассамлиги. Ҳаёт эса орзулардан иборат эмас. Ҳаёт реал воқелик, реал воқелик эса дунёвий муаммолар демакдир. Комил инсон ана шу муаммолар олдида баъзан ожиз қолади. Чунки руҳ ва жисм тўқнаш келади. Жисм қўпол ва емирувчидир. Руҳ эса нозик. Нозиклик вақтинча чекинади, аммо оҳир-оқибат енгади.

— Комил инсон ҳақида қандай умумий хулосага келиш мумкин?

— Комил инсон илоҳийлашган, илоҳий файз соҳиби бўлган одам. Унинг эзгуликка ошно қалби бошқаларга ҳам эзгулик улашади. Одамларга иложи борича ёрдам бериш, хайрли ва савобли ишлар қилишга ундайди.

— Комилликнинг асосий ёки олий белгиси қандай?

— Комилликнинг олий белгисини шайх Азизиддин Насафий қуйидагича таърифлаган: «Эзгу хулқ, эзгу амал, эзгу сўз ва маъориф».

Раъно ҲАСАНОВА суҳбатлашди.

Дунёда инсонга энг азиз неъмат — бири тинчлик бўлса, иккинчиси саломатлик.

* * *

Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут — саломатликни, яхшилик — тинчликни, саховат — буюкликни, қаноат — зиёдаликни.

БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Уч нарсани уч нарса билан топиб бўлмайди: бойликни орзу-ҳавас билан, ёшликни пардоз-андоз билан, соғлиқни дори-дармон билан.

* * *

Ўз қобилиятини яхшилик йўлига сарфлаган одамга Яратган саҳийлик билан инъомлар ҳадя этади.

ХАЛҚИМИЗ УМИДИ

Ёшлар юртнинг келажаги, халқимизнинг умиди ва ишончидир. Президентимиз ўзининг яқинда магистратура, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг биринчи битирувчиларига йўллаган табригида ёшларимизнинг фидойи ва жасур, билимдон ва бахтли бўлиб қолишига тилак билдириб, навқирон авлодни олдинда улкан зафарлар билан бирга синовлар, юксак довонлар, шарафли ва мураккаб йўллар кутаётганини таъкидлаган эди. Куни кеча мамлакатимиздаги 35 та ана шундай таълим даргоҳида беш минг нафарга яқин ёшга дипломлар тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги С.Сирожиддинов номли академик лицейда ҳам олтмиш нафар илк битирувчига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Лицей эрта тонгданоқ битирувчи ёшларнинг ота-оналари, устозлари, дўстлари билан гавжум бўлди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ташкил этилган мазкур лицейда юртимизнинг барча туман ва шаҳарларидан келган 325 нафар иқтидорли ўғил-қиз математика, кимё, биология, тарих сингари фанлар бўйича кенг билим олади. Синфхоналар Жанубий Кореядан келтирилган замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, ўқувчилар лингафон хоналари, лабораториялар, Интернет тармоғига уланган кутубхонадан доимий фойдаланиш имкониятига эгадир. Эътиборга молик жиҳати шундаки, лицей битирувчиларининг тўқсон фоизидан ортиқроғи ҳар йили олий ўқув юртлари талабалари сафига қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Fуломов битирувчиларга дипломларни тантанали вазиятда топширар экан, истиқлол миллатимизга ўзликни англаш, мингйилликлар қаърига сингиб кетган тарихимизни тиклаш, гўзал маънавиятимиз чашмаларининг қайта кўз очиши ва энг асосийси, ёшларимизни баркамол инсон этиб тарбиялаш имконини берганини таъкидлади. Зеро, ёшлар тарбиясидек масъулиятли юмуш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, юртнинг эртанги кунига ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз Ислом Каримов улкан эътибор қаратаётгани жамиятимиз тараққиётининг бош омилидир.

Бундан тўрт йил муқаддам таълим тизимида тарихий бурилиш ясаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳозирги кунда изчиллик билан амалга ошириляпти. Бугунги кунда ҳатто жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларида ҳам таълимнинг «ўзбек модели» деб эътироф этилаётган ушбу миллий дастурга асосан ўқитишнинг мутлақо янги тизими - ўрта махсус ва касб-ҳунар йўналишига асос солинди. Унга кўра, мамлакатимизда 160 минг ўқувчига мўлжалланган дунё андозалари даражасидаги 46 та академик лицей ва 260 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди. Замонавий ўқув қуроллари ва техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур таълим даргоҳларида эртага мамлакатимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилувчи ёшлар билим олиш билан бирга ҳунар ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Замонавий илм даргоҳларида ёшларга маърифат улашувчи муаллимларнинг дунёқараши, билими, онги ва тафаккури ҳам давр талабларига монанд бўлмоғи даркор. Эътиборга лойиқ жиҳати, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёни сифатини ошириш, уларни олий малакали педагог кадрлар билан таъминлаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча қабул қилинган қарори билан ўрта махсус маълумотга эга педагогларга давлат грантлари асосида олий маълумот олишга имкон яратилди, деб қайд этилди маросимда.

Шу кунларда мамлакатимиздаги бошқа академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам битирувчиларга дипломлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу тадбирларни юксак тараққиёт сари дадил одимлаётган юртимиз ҳаётидаги тарихий воқеалардан бири, дейиш мумкин. Зеро, бугунги битирувчи ёшлар эртанги порлоқ келажагимизнинг яратувчиларидир.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

М. АМИН, (ЎзА) олган сурат.

Мердека Кубоги МУБОРАК!

Малайзияда футбол бўйича Мердека Кубоги - Мустақиллик кубоги учун халқаро анъанавий турнир ўз ниҳоясига етди. Унда 8 мамлакат терма жамоалари қатнашди. Ярим финал босқичигача ўйинлар икки гуруҳда ўтказилди. Ўзбекистонликлар Малайзия, Ҳиндистон ва Таиланд терма жамоалари билан бир гуруҳда тўп суришди.

Футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионати финал босқичининг саралаш ўйинлари олдидан ўзига хос имтиҳонга айланган ушбу турнир беллашувлари кескин ва муросасиз ўтди. Ўзбекистон футболчилари таиландликларни 1:0, Малайзия олимпия терма жамоасини 2:0, ҳиндистонликларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ярим финалда ҳамюртларимиз Бахрайн футболчилари билан учрашиб, 2:0 ҳисобида улар устидан ҳам ғалаба қозонди. Энг қизиқарли ва муросасиз учрашув финал ўйини бўлди. Унда ҳамюртларимиз Босния ва Герцеговина спортчилари билан майдонга тушди. 90 дақиқалик ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Қўшимча вақтда футболчиларимиз ташаббусни ўз қўлларига олишди ва Бахтиёр Ҳамидуллаев ғалаба тўпини рақиб дарвозасига йўллаб, ҳисобни 2:1 га етказди. Шундай қилиб, Ўзбекистон терма жамоаси турнир ғолиби бўлди ва Мердека Кубогини қўлга киритди.

Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатимиз футболчилари ушбу ғалаба билан футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичининг биринчи даврасидаги муваффақиятнинг бежиз эмаслигини яна бир карра исботлашди. Эндиликда улар футбол бўйича 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг финал қисмига қатъий тайёргарлик кўрмоқда. Унда футболчиларимиз Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Уммон терма жамоалари билан куч синашади.

(ЎзА).

Касаба уюшма тадбири

РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИГА ЙЎЛЛАНМА

Яқинда Наманган шаҳрининг «Спартак» ўйингоҳида катта спорт беллашувларидан бири — вилоят солиқ тизими ходимлари спартакиадаси бўлиб ўтди.

Волейбол баҳсларида вилоят давлат солиқ қўмитаси терма жамоаси барча учрашувларни юқори руҳда ўтказиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасидаги беллашувларда Чуст тумани давлат солиқ инспекцияси ходими Равшан Аюбовга тенг келадиган рақиб топилмади. Аёллар ўртасидаги мусобақаларда вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Соҳибахон Маҳмудова барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Шунингдек, беш кураш мусобақалари ҳам жуда қизиқарли ва муросасиз бўлди. Мингбулоқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходими Эркин Мамадалиев бу борада бошқалардан устун эканлигини намойиш этди. Аёллар ўртасидаги беллашувларда эса вилоят солиқ бошқармаси вакили Раънохон Жуманова шоҳсупага кўтарилди.

Мусобақа ғолиблари Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган тизим ходимларининг республика спартакиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Гавҳар НАРЗИЕВА.

«Ишонч» 2001 йил 19 июн

«АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...»

мақоласи газетхонлар эътиборида

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚ...

Мақолани ўқиб, бефарқ қололмадим. Чунки, унда ота-боболаримиз, момоларимизнинг сувга бўлган муносабатларидаги ибратли жиҳатлар ҳам тилга олинади. Дарҳақиқат, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, оби ҳаётга юзаки қарашларимиздан халос бўлишимиз керак. Бу жараён қанчалик тез юз берса, шунчалик ўзимизга фойда. Шу маънода газета кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган ғоят долзарб масалани вақтида кўтариб чиққан.

Ўрни келганда, биз яшайдиган Бектемир туманидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси хусусида ҳам тўхталиб ўтсам. Садовая кўчасидаги 99, 101, 103-уйлар рўпарасида — дарё қирғоғига яқин жойларда пайдо бўлган чиқиндихоналар тобора кенгайиб бормоқда. Бу салбий ҳолатнинг рўй беришига асосан тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари сабабчи бўлишаётир. Улар саноат, қурилиш чиқиндиларини шу ерга келтириб тўкишмоқда. Боз устига, юкини бўшатган автомашиналар шу ернинг ўзида ювилмоқда. Ваҳоланки, сал нарироқда шу сувни кўпчилик тоза деб ўйлаб, истеъмол қилади. Буни ҳайдовчилар яхши билишса-да, «биз кичкина одаммиз, бошлиқлар айтганини қилмасак бўлмайди», деган важ-карсондан нарига ўтишмайди. Ўзимиз истеъмол қиладиган сувни ўзимиз булғатсак, бу — гуноҳи азим эмасми, ахир!

Менинг фикримча, улар йўлига қарши ҳаммамиз бирдек тўсиқ қўйишимиз керак. Мутасадди ташкилотлар эса тартиббузарларни аниқлаб, ўз сўзларини айтишлари керак.

Х.УМАРҚУЛОВ, Тошкент шаҳри.

Музей янгиликлари

КИЧКИНТОЙЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Давлат Санъат музейида болалар тасвирий санъат кўргазмаси намойиш этилмоқда. Моҳирона ишланган расмлар ва ҳайкалчалар муаллифларнинг истеъдодидан нишонадир. Олти ёшли Мафтуна Раҳматова, 10 ёшли Гулноза Фозилова, Ботир Турғунов, 14 ёшли Баҳодир Мулажонов, Ҳамза Фозиловнинг ишлари томошабинларда алоҳида таассурот уйғотди.

НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР

Музейнинг Ўзбек халқ амалий санъати намуналари бўлимидан янги экспонатлар ўрин олди. Хусусан, Бухородан топилган мис пақирча, Ҳиндистон ҳунармандлари томонидан суяк ва ёғочдан ясалган шахмат, шашка тахталари ҳамда доналари, патли елпиғичлар, маржонлар, туя терисидан ишланиб, рангли лакда нақш берилган ихчам ва бежирим кўза, Хитой санъати хонасидан ўрин олган ўрамли расмлар, палма дарахтидан ишланган идишлар санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

М. АҲМЕДОВ, санъатшунос.

ХАЗИНА ҚАЕРГА ЯШИРИНГАН?

Ўқинг, қизиқ!

Қашқадарё жуда кўплаб тарихий воқеаларни бошидан кечирган. Воҳа бағрида исёнкор Муқанна, буюк жаҳонгир Амир Темур, ҳукмдор Амир Олимхонларнинг хазиналари тилсим қилинган деган ривоятлар халқ орасида кенг тарқалган.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи директори, иқтидорли олим ва жонкуяр тадқиқотчи Солижон Пўлатов томонидан яқинда вилоятнинг бош шаҳри Қарши тарихига тааллуқли ажойиб янгилик эълон қилинди. Унинг хабар беришича, Чингизхон босқинчиларига қарши курашга бошчилик қилган Насаф шаҳри ҳукмдорининг хазинаси Қарши тумани ҳудудидаги эски қудуқлардан бирига яширинган экан.

Мўғул ҳукмдори XIII асрда шаҳарни қамал қилади ва ундаги бойликларни қўлга киритиш пайига тушади. Жанг аёвсиз ва бешафқат бўлади. Насафликларнинг мардонавор қаршиликларига қарамай, кўп сонли қўшинга эга бўлган Чингизхоннинг қўли баланд келади, шаҳар сувга бостирилиб, ҳамма ҳалок бўлади.

Насаф ҳукмдори ўлими олдидан ишончли сардори Озодқулни ёнига чорлаб, сарой-даги барча бойликлар, олтину кумушларни чуқур қудуқ тубига кўмишни ва уни тупроқ билан тўлдиришни буюради.

Фармон ижро этилади. Фалакнинг гардиши билан фақатгина сардор омон қолади. Душман уни қанча қийнамасин, хазина сирини айтмайди.

Чингизхон сардорнинг ўз ҳокими ва халқига садоқатига тан бериб, уни қатл этмайди. Сир сирлигича қолади. Хазина қаерда, то ҳануз уни ҳеч ким билмайди.

ЁЛҚИН.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624.

1 2 3 4 5 6